

## МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМIZНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Турганов Бахит Қурбанбаевич,  
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти,  
Тарих ўқитшии методикаси кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди. Ўзбекистон, Нукус шаҳри

**Аннотация:** Моқалада ўрта аср мутафаккирларининг асарларидағи касб–хунар түғрисидаги ҳикматли фикрлари таҳлил қилинган. Уларнинг асарларида ҳар қандай хунар инсоннинг ўз ризқини ҳалол топишига, оиласининг фаровонлигини таъминлашга, жамиятда ўз мавқеига эга бўлишга, инсон қадру–қимматини тўғри англашга ёрдам берувчи восита эканлиги ҳикматлар, ҳикоя ва шеърий мисралар кўринишида ифодаланган. Мутафаккирлар асарларида касб–хунар инсон камолотини ва жамият тараққиётини белгиловчи омил сифатида кўрсатилган. Мутафаккирнинг ҳикматлари ўрта асрларда ишлаб чиқариш, савдо–сотик, иқтисодий ва маданий ҳаёт тарзининг ривожланишига маънавий туртки бўлган.

**Калим сўзлар:** Марказий Осиё, ўрта аср, мутафаккирлар, шоир, асар, давлат арбоби, касб–хунар, инсон, жамият, илм, ёшлар, фарзанд, таълим–тарбия, меҳнатсеварлик, фазилат.

**Аннотация:** В статье анализируются размышления вопросы о трудолюбии и ремесле в произведениях мыслителей средневековья. В виде стихов и рассказов в их произведениях подчеркиваются, ценность и место трудолюбия, что человек владеющий ремеслом может честным путём жить и иметь достойное место в обществе. В произведениях мыслителей средневековья ремесленничество показано как фактор развития общества и человечества. В своё время в Центральный Азии промышленность, торговля, экономический и культурный быт стал основным духовном толчком для развития общества.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, средней век, мыслители, поэт, соченение, государственный деятель, профессионально – ремесленческий, ремесленничество, человек, общество, наука, молодёжь, ребёнок, воспитание, трудолюбие, способность.

**Abstract:** The article analyses the sayings, wise opinions of middle century thinkers about Profession. Any profession in their works was described as a tool that helps to earn own portion honestly, to provide abundant life, to find own place in society and realizing people's worthiness in the form of aphorisms, narrations and songs. Profession is described as a factor of measuring society development and person's perfection in the works of middle century thinkers. It was spiritual push of developing the fade, economics, industry and civilization in Central Asia in its century.

**Key words:** Central Asia, middle century, hunkers, poets, composition, handicraft, person, profession, society, knowledge, youth, child, upbringing, industry, quality.

Бугунги глобаллашув даврида миллий хунармандчилигимиздаги анъаналаримиз ва қадриятларимизга қайтишнинг замонавий шакллари намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 8 июнданги ПҚ–5140–сонли қарорига мувофиқ, ишсиз аҳоли, жумладан ёшлар ва хотин–қизларда замонавий касб–хунар ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, касб–хунарга ўқитиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор чора–тадбирлар амалга оширилиб келмоқда[1]. Қарордан асосида Республикамиз туманларида касб–хунарга ўқитиш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда минглаб ишсиз аҳоли ва ёшларимиз бугунги кунда таълим олмоқда.

Шунингдек, 2023 йилги 20 январ кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишида, «Мактабдан касб ва тилни билиб чиқсан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо» – деган эди.

Президентимиз туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўкувчилар мактабнинг ўзида 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши таклиф этилган эди. Шу боис бугунги кун мактабларида касб–хунар устахоналари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси кўйилди. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий таълим–тарбиясида ёшларга касб–хунар ўргатиш қадимий анъаналардан биридир. Марказий Осиёли мутаффаккирларнинг фалсафа, ахлоқ ва маънавиятга оид асарларида комил инсонни тарбиялаша касб–хунарга ўргатиш асосий долзарб вазифаси сифатида кўрсатилади. Асарлардаги таърифларни умумлаштиrsак, комил инсон аввало ўзининг яратувчанлик, инсонларга муҳаббат ва дунёга гўзаллик тарқатиш фазилати билан бошқа инсонлардан ажралиб туради. Инсоннинг яратувчилик фаолияти икки йўналишда содир бўлади – бири инсонлар қалбига маънавий зиё тарқатиш орқали уларни эзгуликга етаклаш, иккинчиси – инсонлар эҳтиёжи учун зарурий моддий неъматлар ҳосил қилишdir.

Биринчиси инсоннинг илм ва ахлоқни ўзлаштирига боғлиқ бўлса, иккинчиси касб ва хунар эгалашига боғлиқ жараён ҳисобланади. Ҳар иккаласи ҳам таълим ва тарбиянинг ажралмас қисмлариdir.

Марказий Осиёлик мутаффакирлар асарларида илму–хунарнинг инсон қадр–қиммати ва иззат–эътиборини оширишдаги аҳамиятини ёритиш билан бирга улар инсонни камолотга бошловчи ва жамият тараққиётини белгиловчи омил сифатида кўрсатилади.

Буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний асарларида инсон камолотида хунар ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим ҳикматли фикрларни баён этади. У ҳар бир хунар эгасини меҳнатига қараб турларга ажратади. Машақатли ва заҳматли меҳнат билан шуғулланувчилар қаторида бинокор, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Берунийнинг “Минералогия” асарида фақат қимматбаҳо металлар, тошлар ҳақида эмас, балки ҳунармандчиликга оид, шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг хунар ўргатиш усуллари ҳақида ҳам қимматли тавсиялар берилган [2;25]. Бунда ёшларга иш жараёни бевосита ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан устахонанинг ўзида бажарилгани шогирдларнинг малакали уста бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Ҳунармандчиликнинг ёшларга бундай якка тартибда ўргатилиши малакали касб эгаларининг етишиб чиқишига ёрдам берган, ҳалол ва вижданон меҳнат қилишга йўллаганки, бу инсоннинг камолотга етишишида муҳим пафона бўлган.

Зоро, Шарқда қадимдан ҳар бир етук инсон у шоҳми, оддий фуқароми, хунарнинг бир ёки бир неча нурини билиши зарур бўлган. Шунга кўра, шоҳлар ҳам, беклар ҳам, оддий фуқаролар ҳам ўз фарзандларини билимли бўлиш билан бирга, хунарли бўлишга алоҳида эътибор берган ва бу ёзилмаган қонунга барча бирдек амал қилган.

Беруний ўзининг ахлоқий таълимотларида инсон ҳар томонлама камолга етишиш учун у илмли бўлиш билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиши лозим деган ғояни илгари сурган.

Инсонларни бахт–саодатга олиб бориш ва уларни камолотга етказиши талқин этган буюк мутафаккирлар бири XI аср туркий шеъриятнинг буюк намояндаси Юсуф Хос Ҳожиб. Унинг “Кутадгу билиг” достони ижтимоий–фалсафий мазмунга эга бўлиб, асардаги асосий вазифаси инсонларни илму–маърифат ва хунар ўрганиш орқали камолотга етказиш ғояси илгари сурилган. Асарни ислом маънавиятининг бадиий–фалсафий, ижтимоий–ахлоқий қомуси деб бемалол таърифлаш мумкин. Унда давлатни бошқариш, турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро муносабатлари ва жамиятдаги мавқелари хусусида муфассал таҳлил ва холосалар берилган. Асарда инсонга билим нечоғлик зарур бўлса, касб–хунарни эгаллаш ҳам шунчалик муҳимлиги алоҳида таъкидланади.

Билим, хунар, эзгу қилиқ ва ё хулқни  
Киши ўрганади, сўнг йўриқ тузилади.

Бунда шоир инсон ўз ҳаётини тўғри йўлга қўйиши учун аввало билим–хунар ва эзгу ахлоқни ўрганиши, сўнгра унинг йўли равон бўлишини таъкидлайди. Аллома ўз асарида давлат арбоблари, илм аҳлидан ташқари, хунармандлар тоифасининг ҳам давлат тараққиётида муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтади. Асарда турли тоифадаги кишилар билан бирга, хунармандлар ҳақида ҳам илиқ фикрларни баён этади. Масалан (мазмуни):

Тағин бир тоифа одамлар хунармандлардир. Ўзларига яшаш учун зарур нарсаларни истаб хунармандчилик қиласидилар. Темирчилар, этикчилар (яъни косиблар) ҳамда ўймакор – дурадгорлар, Ё буёқчи (лар), рассомлар, ё ўқсоз – ёйсозлар. Булар билан ҳам аралашгин ҳам қўшил, уларни севинтир, (ўзинг ҳам) севинч билан ҳаёт кечир [15; 666-667].

Юсуф Хос Ҳожибининг ўша даврда косиб–хунармандларга нақадар хайриҳоҳлиги бежизга эмас эди. Сабаби давлатнинг жаҳонда тутган мавқеи,

бойлиги ва халқининг фаровонлиги ана шу тоифадаги кишиларга боғлик эди. Мутафаккир жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшувчи ҳар бир касб, ҳунар эгасини улуғлайди ва уларни қадрлаш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан ўзаро мулоқотда, ижтимоий фойдали меҳнатда чинаккам камолатга етишади. “Инсонга фойда келтирмайдиган инсон ўлиқдир”, деб ҳисоблайди.

Илм, касб –хунар ва ахлоқ жамиятнинг ижтимоий–сиёсий, моддий ва маънавий тараққиётининг ўлчов бирлиги эканлиги ўрта аср мутафаккирларидан бўлган Кайковуснинг “Қобуснома” асарида чуқур ва кенг турда таҳлил этилган.

Бу ҳақида муаллиф ўз асарида “... барча фикр ва тушунчаларимни сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳам ҳунар ва ҳар пешаким билур эдим, ҳамасини қирқ тўрт бобда баён этдим ” [ 10;159], дейиш билан ҳар бир ёшнинг ақлий, ахлоқий, касбий ва жисмоний тарбиясига оид маълумотларни турмуш тажрибаси билан боғлаган ҳолда камолга етказиш йўллари ва усууллари баён этилган.

Кайковус “Қобуснома” асарида ҳунар эгаллашни қўйидагича насиҳат этади: “Хунарли киши ўрганган ҳунарининг комиллиги билан қадрли, мартабаси бошқалардан улуг эканлигини ҳис қилиб, ҳунарини аввалгидан ҳам зиёда этишга уринади ва аввалгидан ҳам моҳоратли бўлишга ҳаракат қиласди ва моҳир ҳунарманд бўлади. Етарли, деб ҳунар ўрганишдан бош тортиш бу ақлсизлик нишонасидир. Ҳунар ўрганишда меҳнат қилмоқ, танани дангасаликдан, яъни бекорчиликдан қутқариш фойдалидир. Негаки бекорчилик тананинг касалликга учрашига сабаб бўлади” [ 10;137].

Китобда ёшларга жувонмардлар эгаллаши зарур бўлган қўйидаги йўналишларда таълим–тарбия бериш назарда тутилган:

1. Билим олиш ҳақида
2. Ҳунар ва турли касб эгаллари ҳақида
3. Турмуш ва хулқ–одоб қоидалари ҳақида.

#### 4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Кайковус илмни учга бўлади: бирор касб билан боғлиқ бўлган илм; илм билан боғлиқ касб ҳунар ҳамда хайр ва далолатга тааллуқли одат. Биринчиси, яъни бирор касб билан боғлиқ илмларга табиблик, мунажжимлик, муҳандислик, ер ўлчаш, шоирлик ва бошқалар киритилади. Илмга тааллуқли касбларга мусиқа асбоблари устаси, ҳайвонларни даволовчи, бинокорлик ва бошқада ҳунар турлари киритилади. Шоир ҳар қандай ҳунарманд ўз соҳаси борасидаги илмни билмаса, ҳеч қандай иш қила олмаслигини таъкидлайди.

Кайковус жамият таракқиётида илм билан бирга касб–ҳунар эгаллашнинг ҳам зарурлигини тўғрисида, “Агар киши бир қанча олий насаб ва асл бўлса–ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойикнинг иззат ва хурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл–насаб билан эмас. Отни сенга ота–онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Аммо сен ҳунар била бир номға эга бўлғил” [ 10;32] –деган ҳикматли фикрларни келтиради. Шунинг учун ҳам асарда турли касб эгалари улуғланади. Касб–ҳунар ўрганишни билим олиш билан қўшиб олиб бориш тавсия этилади.

“Қобуснома” асарининг “Фарзандни тарбиялаш ва ўсириш ҳақидаги зикрида” қўйидаги фикрлар билдирилган, “эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, унга яхши исм бергил, нединким отадан фарзанд ҳақларидан бири унга яхши исм қўймоқдир. Яна бири улдирким фарзандни оқил ва меҳрибон дояга (тарбиячи) топширгайсан.... Фарзандин бироз каттароқ бўлгандан сўнг, ҳунар ва касб ўргатиш зарур [ 10;85].

Кайковуснинг таъкидлашича, фарзандга турлича илм ва ҳунарни ўргатгандан сўнг, оталик шартини бажарган бўласанг. Сабаби дунёда турли хил фалокатлар бўлиши ёки одам бошига мушкулот тушишини инсон боласи олдиндан билмайди. Бундай вақтда инсонга илм ва ҳунар асқатоди. Кайковус бу ҳақида битта ажойиб ҳикояни ҳам келтириб ўтади [10;87].

Айтишларича, Гуштосб (Эроннинг афсонавий шоҳи) кунларининг бирида ўз мол—мулки ва давлатидан ажралиб, Рум шаҳарларидан бири Кустантанияга келиб қолади. Унинг ёнида бирор тангаси ёки ейишга нарсаси йўқ эди. Бирордан садақа сўрай деса, иззат нафси йўл қўймас эди. Бироқ ёшлигига бир темирчининг ўғлини қўрган эди. У ҳунар ўрганиб отаси билан пичноқ ва қилич ясади. У ҳам ҳар куни уларнинг ёнига бориб темирчилик ҳунарини ўрганган эди. Гуштосбнинг баҳтига шу ҳунари эсига тушди. У Рум шаҳридаги бир темирчининг ёнига бориб ушбу касбни билишини айтгандан сўнг уни ишга олишади. Гуштосб бир неча муддат ишлаб пул йигади. Сўнг ватанига қайтиб боради. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу—ҳунар ўрганишга даъват қиласади. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўрганишга фармон беради.

Унинг касб—ҳунар вакиллари одоб—ахлоқи ҳақидаги фикрлари амалиётга татбиқ этишда ўта муҳимлиги билан ажралиб туради. Масалан, “Дабирлик ва котиблик зикрида” бобида хаттотликнинг улуғ ҳунар эканлиги, аммо бу ҳунарда ҳеч қачон сохталик, пасткашлик қилмасликни, сир сақлашни тавсия этади ва бу борада ибратли ҳикояларни келтиради.

Шарқда шоирлар устози сифатида машхур бўлган мутафаккирлардан бири Шайх Муслиҳиддин Саъдийдир (1184 –1292 йй.). Унинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари ахлоқшуносликдаги қомусий асарларидан ҳисобланади.

Мазкур асарлар оддий муомала одобидан тортиб юксак ахлоқий тамоийилар ва муносабатларни акс эттиришга хизмат қиласади. “Гулистон” асарида билим олиш билан бирга ҳунарнинг ҳам инсон учун қай даражада афзаллигини уқтиради [ 13;137-143].

Агар бўлмас экан фазлу ҳунар ҳеч,  
билиб бўлмас одамми, нақши девор.  
Бисот, мол қўлга киргизмоқ ҳунармас,  
қўлингдан келса бир дил овла, э ёр.

Ушбу шеърий мисраларда шоир инсоннинг ҳунар эгалламасдан туриб ҳеч қандай фозиллик ва комилликга эриша олмаслигини, ҳунарсиз инсонни девор нақшидан ажратиш мушкуллигини, унинг бисотидаги мол–дунёси ҳунарга teng келмаслигини, ҳақиқий ҳунар ўз касби ва меҳнати билан инсонларга кўрсатган ёрдаминг деб ҳисоблайди.

Агар косиб мусофириликга чиқса,  
қийинчилик бетини кўрмайди асло.

Кечин оч ухламоққа мажбур ўлғай,  
гар ўз юритдан тахтдан тушса подшо [13;144-147].

Чунки “ ... ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлат, – дейди у, – агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарсиз одам майли у шоҳ бўлсин ёки оддий фуқаро ҳаётда ҳамиша машакқат чекади, баъзан тиланчилик қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бир ҳунар эгаси бўлса одам гар,  
у эмас, кўрсатур ўзини шу ҳунар.

Ушбу мисраларида ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва унинг тўридан жой олиши кўрсатилган. Ҳаттоқи, ҳунар инсоннинг айбини дўстлари назарида, баъзан жамиятда кечирилишига сабабчи бўлувчи асосий омил эканлиги қўйидаги мисраларида таъкидланади.

Бўлса бир ҳунаринг агар юз айбинг,  
Дўст наздида ҳунар ёпар юз айбинг.

Юқоридаги мисралар буюк шоир Саъдийнинг инсон учун ҳунарнинг қай даражада улуғлигини таъкидловчи фикрларининг яққол ифодасидир.

Албатта, аждодларимизнинг ўз ризқ–рўзини касб–ҳунари орқали ҳалол топишида ва ўз ҳунари билан ғуурланишида Боҳоуддин Нақшбандий каби каби тариқат пирларининг тарбияси ва ўйтит насиҳатлари бениҳоят каттадир.

Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанднинг "Дил ба ёру даст ба кор" деган машхур ҳикмати инсонни касб–хунар ўрганишга чақиравчи ғоялардан бири бўлиб, унда инсонни меҳнаткаш ва ташаббускор бўлишга, қуруқ зоҳид бўлмасликга, элга фойдасини етказгувчи касб–хунар эгаси бўлишга чақиради. Бир ишга қўл урганда, бир амалий ниятга қасд этганда, кўнгилда Аллоҳни сақла, ҳақиқат ва инсоф мезонларидан бир баҳя ҳам чекинишга ўзингга изн берма, деган йўриқлари эътиборлидир. Бунда бирини қўйиб, бирига ружу этилса, меъёр бузилади ва инсон тўғри йўлдан у ёки бу тарафга оғиб кета бошлади.

Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари Пайғамбаримизнинг қуидаги ҳадисларига кўп ишора этганлар: " ал–ибодату ашарату ажзоин, тисъатун минҳо талаб–ул–ҳалоли ва жузъун воҳидун минҳо соир–ул–ибодоти", яъни "ибодат ўн қисмдур, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракатида, бир қисми эса бошқа ибодатлардадир" [12;55] .

Нақшбандийлик тариқатида инсонларни таъмадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукаммал эгаллашга чақирган. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касб–корнинг ёмони йўқ, ёмони бирон касб билан шуғулланмаслик, текинхўрлик, тамагирликка одатланиш ҳисобланади.

Демак, ҳалол ризқ йўлида уриниш Аллоҳга қулчиликнинг, Ҳақ йўлидаги ибодатнинг асосий қисмини ташкил этар экан, унда ҳар бир кишининг бирор касб–хунарга эга бўлиши ва у орқали ризқ–рўзини ҳалол топиши зарурий жараёндир. Бунга амал қилган Баҳоуддин Нақшбанд ўзи ҳам матоларга гул ва нақш босиш ҳунари билан шуғулланган.

Айниқса, бу таълимот XV–XVIII асрларда савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланадиган шаҳар аҳолиси орасида кенг ёйилди. Буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий ижодида ҳам билим олиш билан бирга касб–хунар эгаси бўлиш инсон камолотининг муҳим мезони эканлиги тарғиб этилади.

Ким ҳунарни деса у доно бўлур,

нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Шоирнинг "Баҳористон" асарида бундай ғояларни илгари сурган ҳикоятларини кўплаб учратамиз. Ундан қўйидаги сатрларни келтирамиз:

Одамнинг қиймати эмас симу зар,

одамнинг қиймати билим ҳам ҳунар.

Назар сол дунёда ҳунар туфайли,

хожасидан қадри ортиқ кўп қуллар.

Қанчалаб хожалар ҳунарсиз учун,

қуллари олдида бе ўқ, бе сипар [4;189,318].

Жомий билим–ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. Ҳунар ўрганишни ҳар бир киши учун, у ёшми, кексами, шоҳми, фуқароми, барчага баробар, дея таъкидлайди. У ҳар бир ёшни ота обрўси, шон–шуҳратидан мағурурланмай, ўз йўлини танлашга, илму–ҳунар ўрганишга ундейди. Шоирнинг "Искандар хирадномаси" достонида юонон подшоси Файлақуснинг ўз фарзанди Искандарни машҳур муаллим Арасту олдига олиб келиб, унга илм ва ҳунар, давлатни бошқаришни ўргатишни сўрагани ҳикоя қилинган.

Зеро, Файлақус ўз фарзандининг билим ва ҳунар, донолик сирларини ўрганиб олиши унинг баҳт–соадатга эришиш йўли эканлигини тушунгани учун ҳам ўз замонасида ном чиқарган донишманд олдига олиб келади. Ўз навбатида, Арастуга шогирд тушган Искандар ҳам илму–ҳунар эгалашга зўр иштиёқ билан киришганлиги ва уни эгаллаш шарафига муюссар бўлганлиги баён қилинади:

Искандарнинг таъби ҳунар санж эди,

дилида ҳунардан ғазна ганч эди [4;196].

Демак, Абдураҳмон Жомий инсон учун илму ҳунарнинг қай даражада зарурлигини тўғри талқин этган. Аллома илм ва ҳунарни эъзозлаган раҳбар ҳам ўз элининг эъзозида бўлиши, бундай ўлка гуллаб–яшинашини уқтиради.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврда Мовароуннахр ва Хурросонда илм–фан, адабиёт, санъат ва ҳунармандчилик соҳалари юксак тараққий қилган. Манбаларда Навоийнинг илм ва ҳунар аҳлига ихлоси баланд бўлганлиги ва уларга ҳомийлик қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу ҳақида “Бобурнома” асарида қўйидагича таърифланади: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай” [6;112].

Камол эт касбким, олам уйидин

Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.

Навоий ушбу мисраларида инсонларга касбу–ҳунар эгаллашдан ор қилмасликни, меҳнатсеварликни тарғибот этади. Юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ. Энг ҳалол емиш ва кийиниш ҳунардан ҳосил бўлади. Ҳунар яширин хазинадир. Шоир бу ҳақида қўйидаги мисраларида баён этади.

Ким бўлса ҳунарсиз иши – ўқ ранжи эрур,

Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.

Алишер Навоийнинг “Насоим ул–муҳабbat мин шамоим ул–футувват” асарида тилга олинган машойих ва авлиёларнинг ҳаёт тарзидаги асосий хусусиятлардан бири уларнинг ҳар бири қандайда бир касб–ҳунар билан машғул бўлиб, ҳалол меҳнатлари ҳисобига рўзғор тебратишган. Улардан Абу Сайд Харроҳ – этиқдўз, Муҳаммад Сакқок – пичноқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчи, Абулаббос Омилий – қассоб, Иброҳим Ожирий – гишт қуювчи, яна бирлари ҳаммол, нажжор, ҳеч бўлмаса, ўтин ташувчи ва ҳоказо [3;68].

Шоир ўз рисоласида шоир Фигоний ҳақида “У саҳҳофлик ҳунарини билади ва шу билан бирга мусаввирлик санъатида ҳам мохирдир” деб ёзади. Навоий даврида косиблар, ҳунарманд усталар, наққошлар, созондалар, ҳофизлар, олимлар, амалдорлар, ҳаттоки амирлар ҳам шеър ёзганлар. Шоир

асараларида ахлоқли, илмли, ҳунарли, умуман одамларга фойда келтирувчи ҳар бир инсонни улуғлаган ва қадрлаган. Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод илмли бўлиши билан бирга мусаввирик ва сангтарошлиқ ҳунарини мукаммал эгаллаган инсон сифатида акс эттирилади. Фарҳод мусаввирик санъатини шу даражада юксак эгаллаганки, ҳатто уни "Моний–соний", яъни иккинчи Моний (афсонавий рассом) деб аташади. Фарҳод сангтарошлиқ касбини етук эгаллаши орқали эса тоғдан канал қазиб сув чиқаради ва ўз муҳаббатига эришишга муассар бўлади.

Ҳунармандчиликдаги касбий ахлоқ тўғрисида А. Навоий замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440–1505 йй.) «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида маълумотлар алоҳида диққатга сазовордир [11;17-27]. Асарда муомала одоби, кийиниш одоби, меҳмондўстлик, тановул этикети ва касбий одоб муаммоларига ҳам батафсил тўхталиб ўтади. Китобнинг ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи фасллари турли касб эгалари одобига бағишиланган. Масалан, ўн тўртинчи фасл "касб–кор ва савдо тижорат одоби ҳақида" деб номланади ва умуман касб эгаси, айни пайтда, савдо–тижорат ахли одоби қонун–қоидаларини ўзи ичига олади.

Кошифий ёзади: "Билгилким, ҳамма касбларга тааллуқли қисқача қоида адаблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор". Шундан кейин мутаффакир қуидагича давом этади:

"Агар барча касблар учун зарурий одоблар хulosани нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгин: Биринчидан, ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол маблағдан пок сақласин. Иккинчидан, рисқи рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансин, касбни мол дунё тўплашга сарфламасин. Учинчидан, касбни обрўй олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби, деб билсин. Тўртинчидан, моли ҳаром одамлар (порахўрлар, қароқчилар, ўғрилар, қиморбозлар, каззоб дўкондорлар) билан муомала қиласин.

Бешинчидан, ишда камчиликга йўл қўймайдилар ва танлаган касблариға бефарқ бўлмайдилар. Олтинчидан, маҳсулотнинг асл баҳосини билмайдиганларга тўғри муомала қиласидилар. Еттинчидан, агар олди–берди билан боғлиқ бўлса, кам бермаслик ва кўп ҳаки олмасликка интиладилар. Саккизинчидан, агар иш ҳисоб билан битадиган бўлса, ўз ҳиссасини жамият ҳиссасидан юқори қўймаслик керак, чунки юрт фаровонлиги худди ана шу жамият жамғармаси туфайли юзага келади".

Бундан ташқари, шогирдликнинг ахлоқий асослари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Уларда шогирдликнинг асосий хислатлариға ростгўйлик, вафодорлик, насиҳатга қулоқ осиш, озор бермаслик ва сир сақлаш. Шогирднинг энг асосий хислати – поклик.

Кўриниб турибдики, аждодлар ўғитлари ўз даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик соҳалари ривожланишига туртки бўлган маънавий омилардан бири ҳисобланган. IX–X асрлардан Марказий Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик соҳалари юксак тараққий қилиб, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлган. Ўша даврда нафақат оддий аҳоли вакиллари, балки қулларга ҳам касб–ҳунар ўргатилган. Бу ҳакида араб–форс муаллифларидан Истаҳрий(850–934 йй.) маълумотлариға кўра, Самарқанд шаҳрида қулларга касб ўргатиш анъана тусига кирган[ 9;25].

Айниқса, XI–XIII аср бошларида Марказий Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик соҳалари юксак даражада тараққий қилган ва ихтисослашув жараёни кучайган давр сифатида изоҳланади. Ўша давр муаллифлардан ал–Кураши, XIII аср бошида Хоразм шаҳарларида тахминан 50 га яқин ихтисослашган ҳунармандчилик турлари мавжудлигини таъкидлайди [7;102].

Мирзо Улуғбекнинг (XV аср) «Тарихи арбаъ улус» асаридаги маълумотлар мўғиллар босқинчилигига қадар Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалганлигини тўла

тасдиқлайди. Асарда ёзилишича, «мўғил қўшини Урганчни етти ой қамалдан сўнг истило қилгандан кейин 100 минг одамни ўлдирган, 100 минг ахли ҳунар ва ахли санъатни Мўғилистон тарафга ҳайдаб кетганлар» [5;329].

Мовароуннахрда Темур ва темурийлар даврида ҳунармандчилик соҳалари қайтадан юксак чўққиларга кўтарилади. Айниқса, Амир Темур томонидан касб–ҳунар эгалари хурматли кишилардан бири сифатида эъзозланган. Унинг «Темур тузуклари» асарида соҳиби ҳунар эгалари давлат тараққиётини белгиловчи қатлам сифатида кўрсатилган. Унда: «... ўн биринчи тоифа – касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар бир тоифа синфидан бўлганларни давлатхонамга келтириб, ўрдамдан ўринлар билгиладим», деб кўрсатилган [14;66].

Иbn Арабшоҳ ёзишича, "... Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. ...Хулласи калом, Темур ҳар бир фойдали жонни (касб–ҳунар эгаси) йиғиб, нимаики бўлса сарасини Самарқандга келтирди" [8;86-87].

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахр шаҳарларида ҳунармандчиликнинг деярли барча соҳалари гуркираб ривожланганлиги тарихий манбалардан маълум.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ўрта аср мутафаккирлари асарларида ва давлат арбоблари сиёсатида ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур ва аҳамиятли омилардан бири эканлиги кўрсатилган. Ҳар қандай ҳунар инсоннинг ўз ризқини ҳалол топишига, оиласининг фаровонлигини таъминлашга, жамиятда ўз мавқеига эга бўлишга, инсон қадру–қимматини тўғри тушунишга ёрдам берувчи восита эканлиги ҳикматлар ва ҳикоялар орқали ёритилган. Ҳар томонлама камолга етишишда илм инсоннинг маънавий қиёфасини белгилашга ёрдам берса, ҳунар инсоннинг иродасини мустаҳкамлаган, меҳнатсеварлик, сабр–тоқат, ўзига ишонч, ҳололлик каби фазилатларни шакллантирган.

Энг асосийси, илм–фанни эгаллаган юксак малакали кадрларни тайёрлаш ғояси ва масалалари буюк мутафаккирларимиз ижодида ва аждодларимиз ҳаётида барча даврларда ҳам асосий долзарб вазифалардан бири бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 8 июндаги ПҚ–5140–сонли қарори // <https://lex.uz/docs/5449377>.
2. Абу Райхон Беруний. Минералогия. –Тошкент. Фан, 1968.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами.15–том. –Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти. 1968.
4. Абдураҳмон Жомий. Танланган асарлар. –Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Тошкент. Ўқитувчи, 1994.
6. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. I–II қисм //Нашрга таёровчилар Н.Шамсиев, С.Мирзаев. .–Тошкент. 1948–1949.
7. Буниятов З.М. Государство Хоразмшахов – Ануштегинидов. –М.: Наука, 1986.
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. –Тошкент. Меҳнат, 1992.
9. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати.–Тошкент. Шарқ, 1993.
- 10.Кайковус. Қобуснома. // Нашрга тайёрловчи С.Долимов. –Тошкент. Ўқитувчи, 1968.
- 11.Кошифий Ҳусайн. Футувватномаи Султоний // Форсчадан Н.Комилов таржимаси. Шарқ юлдузи журнали. 1993. 1–3 сонлари.
- 12.Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд). – Тошкент. Ёзувчи. 1993.
- 13.Саъдий. Гулистон. //Тарж.Faфур Ғулом, Ш.Шомуҳаммедов (назм) ва Рустам Комилов (наср). Муҳарир Васфий. –Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.
- 14.Темур тузуклари. –Тошкент. Faфур Ғулом, 1991.
- 15.Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. //Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. –Тошкент. Фан. 1971.